




2006 йил 31 августдан  
чоп этила бошлаган

Ижтимоий-сиёсий газета



Ислохот

## ПОЙТАХТ БУТУНЛАЙ ЎЗГАРАДИ



**Ривожланган мамлакатларда кузатилаётган иқтисодий ва демографик ўсиш урғуси шаҳарсозликни жадаллаштиришни тақозо этади.**

Айниқса, инновацион технологиялар негизда ақлий шаҳарлар барпо этилиши, янги ноу-хаулар жорий этилиши ва инсон капитали салоҳиятини ривожлантириш каби жараёнлар қўшимча қиймат занжирларини

яратишга хизмат қилади. Шу асосда шаҳар инфратузилмаси ва меъморчиликда сифат жиҳатидан янги босқич юзага келади.

Жорий йилнинг 14 май куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳрида

амалга оширилиши режалаштирилган реновация ва инвестиция лойиҳалари тақдимоти билан танишди. Мазкур тақдимот, пойтахтимизнинг бош режаси доирасидаги янгиланиш ва қурилиш жараёнларини чуқур ўрганиш, уларни амалга ошириш механизмларини белгилашга йўналтирилди.

(Давоми 2-саҳифада)

Замондош

## ФИДОЙИЛИК ВА ИБРАТ МАКТАБИ

Юртимизда ҳаётини Ватан тараққиётига бахшида этган фидойи ва жонқуяр инсонлар жуда кўп. Улар сермахсул фаолияти, масъулияти ҳамда меҳнатсеварлиги билан нафақат меҳнат жамоаларида, балки жамиятда ҳам ўз ўрни эга.

Пайриқлик Саидвали Раҳмонов ҳам ана шундай фидойилар сафида, десак, айни ҳақиқат. Бутун умрини мамлакатимиз равнақи йўлига сарфлаган юртдошимиз болалигидан илмга чанқоқлиги билан тенгдошларидан ажралиб турарди.

(Давоми 6-саҳифада)



## ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ — КЕЛАЖАК КАФОЛАТИ

## КИТОБХОНЛИК — УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ПОЙДЕВОРИ

Маълумки, шарқда қадимдан аёл муҳтарама она, сингил, садоқатли ёр сифатида ҳамisha эъзозланиб келинган. Шу боис, халқимиз азал-азалдан буюк зот — оналарни улуғлаб, Ватан сўзига “Она” иборасини қўшиб ҳам ишлатади. Бу борада шунини таъкидлаш лозимки, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан кейинги саккиз йилда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш, дастурий ишланмалари, инновацион ғояларини қўллаб-қувватлашга юксак эътибор қаратилмоқда.



(Давоми 4-саҳифада)

Бугунги кунда бутун дунё жамоатчилиги табиатни муҳофаза қилиш, экотизимларни сақлаш ва биологик хилма-хилликни тиклашга катта эътибор қаратмоқда. Ана шундай эзгу мақсадларга эришиш йўлида 1992 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан Биологик хилма-хиллик тўғрисидаги Конвенция қабул қилинди ва халқаро аҳамиятга молик ҳужжат сифатида кучга кирди. Бу Конвенция дунёнинг кўплаб давлатлари томонидан ратификация қилинган бўлиб, унинг амалга оширилиши экологик барқарорликни таъминлашда муҳим қадамлардан бири ҳисобланади.

(Давоми 4-саҳифада)





# ПОЙТАХТ БУТУНЛАЙ ЎЗГАРАДИ

(Боши 1-саҳифада)

Президентимиз ташаббуси билан 2024 йил 24 декабрда Тошкент шаҳрининг 2045 йилгача мўлжалланган бош режаси расмий тасдиқланган эди. Ушбу ҳужжат шаҳарнинг узоқ муддатли ривожланиш йўналишларини белгилаб берувчи муҳим стратегик асос бўлиб хизмат қилади.

Бош режага мувофиқ, пойтахт ҳудуди учта асосий зонага — консервация, реконструкция ва реновация зоналарига ажратилган. Хусусан, реновация зонаси сифатида шаҳар-созлик ва зилзилабардошлик талабларига жавоб бермайдиган, эски ва камқаватли биноларга эътибор қаратилган. Ушбу бинолар босқич-ма-босқич бузилиб, улар жойлашган ҳудудларда замонавий архитектура ва муҳандислик талабларига жавоб берадиган иншоотлар барпо этилиши кўзда тутилган.

Тақдимот чоғида маълум қилинишича, бош режада 300 дан ортиқ реновация манзили белгиланган. 2025–2026-йилларга мўлжалланган биринчи босқичда 65 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. Реновация орқали ҳудудлар функционал жиҳатдан бойитилиб, аҳоли учун қулай яшаш муҳити яратилади, атроф-муҳит экологик жиҳатдан яхшиланади. Шу тариқа, эски ва янги мавзелар ўртасидаги фарқ бар-тараф этилиб, улар уйғун шаклда ривожлантирилади.

Тақдимот давомида Президентимиз лойиҳаларни шаҳар архитектураси ва инфратузилмаси билан уйғунлаштириш, уларни геологик ва сейсмик таҳлиллар асосида хавфсизлиги нуқтаи назаридан тақомиллаштириш зарурлигини таъкидлади. Эндиликда турар жойлар мактаб, боғча ва дам олиш инфратузилмалари билан бирга қурилиши зарурлиги қайд этилди. Шаҳарнинг «ўпкаси» — дарактзорлар, «қон томири» эса — ариқ ва каналлар экани алоҳида эътироф этилди.

Янги бош режада Тошкент шаҳри ва унинг атрофидаги яшил ҳудудларни уч баробарга кўпайтириш ва 25 минг гектарга етказиш режа-

лаштирилган. Инновациялар, ўз навбатида, сув ҳўжалиги инфратузилмасини яхшилашни талаб қилади. Тақдимотда ирригация ва дренаж тармоқларини янги бош режа билан уйғунлаштириш бўйича аниқ таклифлар ҳам кўриб чиқилди. Унга кўра, 2030 йилгача 100 км канал реконструкция қилиниб, улар атрофида сайилгоҳлар ташкил этилади. Туркиянинг “Su-Yapı Engineering and Consulting” компанияси билан ҳамкорликда дренаж тармоқларидаги муаммолар аниқланган, аэрофото, геодезия ва ёгингарчилик таҳлиллари асосида мастер-режа ишлаб чиқилган. 2024 йилда 45 та сув тошқини хавфи бор ҳудуд бар-тараф этилган бўлса, 2025 йилда яна 34 та ҳудудда шундай ишлар амалга оширилади. Президентимиз ушбу фаолиятни давом эттириб, қамровини янада кенгайтириш, бу соҳада мутахассислар тайёрлаш зарурлигини қайд этди.

Муҳим аҳамиятга молик тақдимотда Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари мамлакатнинг иқтисодий таракқиётида муҳим стратегик аҳамият касб этиши таъкидланди. Умумий қиймати 25 миллиард долларга тенг бўлган 717 та лойиҳа шакллантирилгани, жорий йилда шундан 7,5 миллиард долларини ўзлаштириш ва 265 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилгани — бу шаҳарнинг иқтисодий салоҳияти тобора кенгайиб, тармоқлараро интеграция ва диверсификация жараёнлари жадаллашиб бораётганини кўрсатади.

Мазкур инвестиция ташаббуслари доирасида турар жойлар, савдо ва кўнгилочар мажмуалар ва санат корхоналарининг барпо этилиши нафақат инфратузилмани янгилаш, балки аҳоли учун қулай яшаш муҳитини яратиш, хизматлар соҳасини ривожлантириш, маҳаллий ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва экспорт салоҳиятини ошириш каби устувор

йўналишларда кенг имкониятларни очади. Бу жараён шаҳар инфратузилмасини модернизация қилиш билан бир қаторда, минглаб янги иш ўринларини яратиш, маҳаллий аҳолининг даромад манбаларини кўпайтириш ва фаровонлик даражасини юксалтиради.

Тақдимотда илгари сурилдики, инвестиция фаоллигининг кучайиши макроиқтисодий барқарорликни таъминлашда ва иқтисодий ўсишнинг узоқ муддатли драйверларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, инвестиция лойиҳалари давлат бюджетига тўғридан-тўғри ва билвосита солиқ тушумларини оширади, мулк ва ресурслардан самарали фойдаланиш имконини беради, давлат харажатларининг мантиқий тарзда йўналтирилишини таъминлайди. Хусусий секторни рағбатлантириш орқали ишбилармонлик муҳити яхшиланади, капитал айланиши тезлашади, жорий ва стратегик инвестициялар ўртасида оптимал мувозанат таъминланади.

Меҳнат бозори контекстида эса инвестиция лойиҳалари янги иш ўринларини яратиш билан бирга, касбий кўникмаларга бўлган талабни қайта шакллантиради. Бу эса таълим тизимининг мазмуни ва шаклини иқтисодиёт эҳтиёжларига мослаштиришни тақозо этади. Ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, рақамли иқтисодиёт, логистика, муҳандислик ва бошқа соҳаларда замонавий билим ва амалий кўникмаларга эга кадрлар тайёрлаш орқали меҳнат ресурсларининг самарадорлиги оширилади.

Илмий таҳлиллар ва сценарий моделларига асосланганда, ушбу инвестиция лойиҳаларининг тўлиқ ва тизимли амалга оширилиши яқин истиқболда Тошкент шаҳрининг нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё минтақасида етакчи иқтисодий марказ сифатида-



ги ролини мустаҳкамлайди. Шаҳар инфратузилмасининг рақамлашуви, бизнес муҳитининг шаффофлашуви, иқтисодий фаоллиқнинг юқори даражаси ва инновацион экотизимнинг шаклланиши билан биргаликда Тошкент минтақалараро инвестиция хаби ва технологик ривожланиш маркази сифатида эътироф этилиши мумкин.

Президентимиз таъкидлаганидек, мамлакатимиздаги узоқ истиқболга мўлжалланган кенг қамровли ислоҳотлар, хусусан, реновация ва инфратузилмавий янгиланиш лойиҳалари, фақатгина давлат органлари ташаббуси билан эмас, балки хусусий сектор, маҳаллий жамоалар ва фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликда амалга оширилгандагина юқори натижалар беради. Институционал ҳамкорликнинг очиқлиги, ҳисобдорлиги ва фуқаролар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда юритилиши шаффоф, инклюзив ва барқарор ривожланишни таъминлайди. Демак, инвестиция фаоллиги нафақат иқтисодий кўрсаткичларда, балки ижтимоий мувозанат, экологик барқарорлик ва инсон капитали салоҳиятида ҳам ўз аксини топади.

**Абдумалик ТУЛЯГАНОВ,**  
Тошкент давлат иқтисодиёт  
университети мустақил  
изланувчиси, PhD



# ҲАЁТ МАКТАБИНИНГ УСТОЗИ



**Ёшлигим олис овулларда ўтган. Тепаликлар бағрида жойлашган, туманлар бағрида яширинган, гўё ўз вақтида тўхтаб қолган бир жимжит маскан эди у. Қишлоқнинг ҳар куни хўроз қичқириқлари, қушлар сайраши билан бошланарди. Бизга яқин қўшни — Марҳамат опа бўларди. У киши бошқалардан фарқли, озода, меҳнатсевар, эътиборли ва шу билан бирга мактабда ўқитувчи ҳам эди. Болаларни билимга ошно қилишда у кишига етадиганлар кам эди.**

Дарсда ҳам, хонадонда ҳам у бир хил — тинимсиз, интизомли ва назокатли аёл эди. Эри шаҳарда катта лавозимда ишларди. Катта ўғли университетда, ўртанчи ва кенжаси эса мактабда энг аълочи ўқувчилардан эди. Улар оналарининг ҳалол меҳнати ва орасталигидан камол топишганди.

Марҳамат опа ҳар куни сахардан кийим юварди. Чинор соясидаги ҳар бир ҳаракати ўтмиш доғларини ювиб ташлаётгандек бўларди. Қишлоқ аёллари эса бунга эътироз билан қарардилар: “Сешанба куни кир ювилмайди”, деб ирим қилишарди. Улар, гўё, Марҳамат опа бу иримни билмайди, деб киноя қилар эдилар. Аммо Марҳамат опа ирим-сиримга берилмасди. У илм эгаси эди. Ақл ва тозалликни, меҳнатни иримдан устун қўярди. Ҳовлисини, фарзандларини, ўзини ҳамини озода тутар, ҳар бир ишда намуна бўларди.

Ёдимда, у болалари уйга бирор эски, ёмон ҳолатдаги нарсани — терсақми, синиқ ашёми — олиб

келса, қаттиқ койир эди. “Эски нарсаларни уйга ташиб юрманглар, янги интилинглар,” дерди. Мен эса ўшанда хайрон бўлардим: “Эски бўлса-чи, ҳали ишлатса бўлади-ку”, деб ўйлардим.

Йиллар ўтди. Ҳар бир ўтган йил, ҳаётда тўкнаш келган синовлар менга тушунтирдик, у фарзандларини шунчаки синиқ терсақдан қайтармаган. У уларни эски фикрлардан, тўскинчи қарашлардан узоклаштириб, янгиликка, янги марраларга, катта мақсадларга интилитирган экан. Эскига андармон бўлиб юрмасликни, доимо яхшилик ва тараққиёт сари қарашни ўргатган экан. Ҳозир ўйлаб қарасам, унинг барча ҳаракати — тозаллик, интизом, янгиликка интилиш — фарзандлари учун ҳаёт мактаби бўлган. Ҳар бир оқ кўйлакни оқ қилиб ювиши, ҳар бир меҳнати орқасида тарбия ва фалсафа бор экан. Ёдимда, ҳар баҳор остонасида қишлоғимизда сумалак тайёрлаш одат эди. Бу ишнинг бошида албатта Марҳамат

опа турарди. Оламга сумалакнинг хушбўй хиди эмас, бирлик, меҳр, муҳаббат тараларди, гўё. Лекин у киши оиласи билан шаҳарга кўчиб кетганидан кейин сумалак ҳам қайнамай қўйди. Қозонлар исиб турса-да, олдидаги дўстона давраларда Марҳамат опанинг илиқ сўзлари етишмай қолди.

Эндиликда англайман: аёл кишининг гўзаллиги фақат юз-кўзида эмас, балки унинг қўлидаги меҳнатда, хонадондаги фароғатда, фарзандларининг юксак орзуларида намоён бўлар экан. Марҳамат опа эса ана шу гўзалликни қишлоқнинг ҳар бир мўътабар тонглирида, ҳар бир тарбияли сўзида безатиб яшаган экан. Бугун мен Марҳамат опани зехнимда эмас, қалбимда ёдга оламан — у аёл эмас, у ҳаётнинг ўзи эди.

Марҳамат опанинг қиличдек тартиби, юракдай илиқ дафтари мудом болалик ўйларим бўлиб қолаверарди.

Элбек ШОЙИМОВ

## КИТОБХОНЛИК — УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ПОЙДЕВОРИ

(Боши 1-саҳифада)

Зиёли, китобхон аёл — жамиятнинг тараққиёт йўлини белгилаб беради. Чунки айнан у болаларни тарбиялайди, онги, дунёқарашни, билим даражасини шакллантиради. Қиз бола олий маълумотли бўлса, юксак билим ва салоҳият эгасига айланса, буни келгусида фарзандларига ҳам сингдиради. Ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш масаласига масъулият билан ёндашади. Чунки аёлга табиатан авлодлар занжирини давом эттириш ва миллатнинг кадрини кўтарадиган фарзандларни тарбиялашдек улуғ ва масъулиятли вазифа юклатилганлиги барчага аён. Аёл кишининг китобга ошно бўлиши, зиёли бўлиши унинг оиласи, фарзандлари маданиятли бўлишига замин яратади. Шундай экан, шукрона туйғуси билан яшаш ва қизларимизни ўқитиш, уларни қалбида китобга меҳр уйғотишни кун тартибдаги биринчи масала сифатида белгиласак, юртимиз ривожига улкан ҳисса қўшган бўламыз.

Нурота тумани умумий аҳоли сони 86405 нафар бўлиб, шундан, 47202 нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Туман марказида 45788 нафар аҳоли истиқомат қилса, 40617 нафари - қишлоқ, овул, олис ҳудудларда яшайди. Туман Ахборот-кутубхона марказида жами 13256 нафар фойдаланувчи мавжуд бўлиб, шундан 7302 нафарини, яъни 67%

ни хотин-қизлар ташкил этади.


Биз Янги Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс пойдеворини бунёд этиш сари дадил қадамлар қўяётган бир даврда аввало, ўз худудимизда илмли, зиёли хотин-қизлар, китобхонлар сонини янада ошириш йўлида ҳаракат қилишимиз даркор. Яқин-яқингача жамиятимизда “ўқиган қиз шаҳар олиб берармиди, қизлар ўқишни эмас, турмушга чиқишни ўйлаши керак” мазмунидаги янгилик фикрлар тез-тез учраб турарди. Бугун бу қарашлар эскиргани барчага аён. Жамиятимизнинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий қиёфаси ўзгариб, ҳаётимизда янги муносабатлар юзага келди, одамларимизда хотин-қизларнинг таълим олиши борасида янги қадриятлар, қарашлар шаклланди. Бу ўткир ҳақиқатни чуқур ҳис қилган ҳолда хотин-қизларнинг таълими олиши ва илм-фан билан шуғулланиши учун давлатимиз томонидан қафолатлар ҳамда имтиёзлар пакети жорий этилгани, янги имкониятлар яратиб берилаётганига тўхталар эканман, жумладан, эҳтиёжманд оилаларга мансуб қизлар олийгоҳларга давлат гранти асосида қабул қилинаётганлиги, бир қанчасининг контракт пули ўз вақтида, муаммосиз тўлаб берилаётганига барчамиз гувоҳ.

Қизларнинг илмли бўлишини рағбатлантириш — узокни кўзлаб босилган муҳим қадамдир. Бугунги

талаба қиз — эртанги кунда ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлиши билан бирга, илмли, интеллектуал салоҳиятли, кенг дунёқарашга эга фарзандни тарбиялайдиган “она” ҳамдир. Хуллас, миллий тарбияни оналарсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Оила ва хотин-қизлар давлат кўмитаси ташаббуси билан ҳар ойнинг 17-санаси “Китобхон оналар куни” деб эълон қилинган. Бундан асосий мақсад — китобхон оналар билан китоб ва китобхонликнинг аҳамияти, шунингдек, ёш авлод, хусусан, хотин-қизлар қалбида китобга меҳр уйғотиш кўникмасини шакллантиришдан иборат. Ана шундай хайрли мақсадларни кўзлаган тадбир натижасида зиё масканида китобхон хотин-қизлар сафининг кенгайишига эришилди, уларнинг қизиқишидан келиб чиқиб янги адабиётларга буюртмалар шакллантирилди, китоб фонди айланмаси ҳам ошди. Ҳар ой бўлиб ўтадиган ушбу тадбир — катта бир маҳорат дарси десак, муболаға қилмаган бўламыз, албатта.

Буюк тарихчи, таржимон Абдибек Шерозийнинг айтишича: Агар инсон илм нури билан ўз йўлини ёритмаса, зулмат ва нодонлик кўчасида қолади. Яхши таҳсил кўрган, кўп мутолаа қилган ва илм нури билан хулқини яхшилаган аёл ҳар ерда иззат топади. Илм — аёл учун зийнат. Зиёли аёл — ҳеч бир ишда адашмайди. Илмсиз аёл эса бола



тарбиялашда турли хатоларга йўл қўяди.

Масалан, неча йилдирки “Ёш китобхон” танловининг Республика босқичи ғолиблари асосан қиз болалардан иборат. Улар ўз билими, зукколиги билан оиласига, ота-онасига автомобиль совға қилишаётганлигига барчамиз гувоҳ. Бундан ташқари “Жадидлар изидан” Республика миқёсидаги танловида ғолиб бўлиб, Германияга сажат йўлланмасини қўлга киритган 14 нафар ёшларнинг кўпчилигини асосан қизлар ташкил этади. Жадид боболаримиз ҳам хотин-қизларимизнинг зиёли-маърифатли бўлишини орзу қилган эдилар. Бугунги кунга келиб уларнинг бу орзулари рўёбга чиқмоқда.

Забинисо ИБРАГИМОВА,  
Нурота туман  
ахборот-кутубхона маркази  
Ахборот-библиография хизмати  
раҳбари





# ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ —

## КЕЛАЖАК КАФОЛАТИ

**Биохилма-хилликни сақлаш, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ривожлантириш, уларни самарали бошқариш ва бутлигини таъминлаш – халқаро ҳуқуқ нормаларида долзарб вазифалар сифатида белгилаб қўйилган. Бу борада Ўзбекистонда ҳам кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.**

Ўзбекистон Республикаси 1995 йилдан буён мазкур Конвенциянинг тўлақонли аъзоси сифатида, биологик хилма-хилликни сақлаш ва ундан барқарор фойдаланиш юзасидан бир қатор мажбуриятларни ўз зиммасига олган. Мамлакатимизда табиатни муҳофаза қилиш, экологик барқарорликни таъминлаш ва биохилма-хилликни асраб-авайлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Бу борада зарур ташкилий-ҳуқуқий ва институционал база яратилган бўлиб, амалда самарали ишлар олиб борилмоқда.

Айниқса, мавжуд муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларни кенгайтириш ва янгиларини ташкил этиш орқали биологик хилма-хилликни ишончли сақлашга қаратилган чоралар диққатга сазовор.

Биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш бўйича Миллий стратегия ва Ҳаракатлар режаси тасдиқланган. Мазкур ҳужжатга асосан мамлакат умумий ер майдонининг 17 фоизини муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тоифасига киритиш режалаштирилган.

“Биологик хилма-хиллик тўғрисида”ги Конвенция доирасида 2019-2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида биологик хилма-хилликни сақлаш стратегияси ижроси таъминланмоқда. Амалга оширилган ишлар натижасида республикада муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар умумий майдони 6,4 млн гектарга етказилиб, мамлакат ҳудудининг 14,08 фоизини ташкил этмоқда.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш ва мавжудларини кенгайтириш, улар-

ни муҳофаза қилиш ва унга зиён етказмасдан фойдаланишда кенг жамоатчиликнинг иштирокини таъминлаш – биологик хилма-хилликни сақлаб қолишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Эътироф этиш жоизки, сўнгги йилларда Оролбўйи ҳудудларида биологик хилма-хилликни асрашга алоҳида эътибор қаратилиб, денгизнинг қуриган тубида қарийб 2 млн гектар майдонда ўрмонзорлар барпо этилди. Муҳим жиҳати шундаки, ўрмонзорлар барпо бўлган ерларда экотизим қайтадан тикланади, яъни кўчма қумлардан иборат бўлган, қақраб ётган чўл ерлар яшил ҳудудга айланади ва ҳайво-

муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар майдонларини янада кенгайтиришга эришиш лозим.

Иккинчидан, ўрмонларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш усуллари жорий этишга кўмаклашиш зарур.

Учинчидан, республикамизнинг барча ҳудудларида ёввойи ҳайвон ва ўсимлик турларини кўпайтиришга ихтисослаштирилган питомниклар ва кўчатхоналарни барпо этиш ишларини жадаллаштириш зарур.

Тўртинчидан, соҳада илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш, мутахассислар тайёрлаш, малакасини ошириш бўйича чора-тадбирлар кўламини кенгайтириш лозим.

Албатта, бу ишлар амалга оширилиши натижасида биологик хилма-хилликни асраш орқали аҳоли учун қулай экологик муҳит яратилишига, айниқса, экотуризмни ривожлантириш ва юртимизга

проқ шароитларидан келиб чиққан ҳолда дарахт тури ва экиш жойлари бўйича белгиланган манзилли дастурлар ишлаб чиқиш;

Кўчатларни парваришлаш ва агротехник тадбирларни молиялаштиришни бириктирилган маъсуллар орқали ўз вақтида ва доимий амалга оширишга эришиш;

Ҳар бир ҳудуднинг иқлимига мос, кам сув талаб этадиган дарахт турларидан кўчатхоналар ташкил этиш;

Йирик саноат корхоналари агрофи ва унга туташ ҳудудларда ҳамда чикинди полигонлари атрофларида “яшил белбоғлар” барпо этиш;

Экилган кўчат ва қаламчаларни касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш чораларини кўриш мақсадида ўсимлик клиникаси ва биологик лабораториялар тизимидан самарали фойдаланиш борасида чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш;

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳасининг амалга оширилиши юзасидан қатъий депутатлик ва жамоатчилик назоратини давом эттириш;

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳасининг мазмун-моҳияти, аҳамияти юзасидан кенг жамоатчилик ўртасида тушунтириш-тарғибот тадбирларини амалга ошириш;

Ҳудудларда мулоқотлар ўтказиш, кенг жамоатчиликнинг фикр ва таклифларини доимий равишда тинглаб бориш.

Биологик хилма-хиллик – бу нафақат табиатнинг бойлиги, балки инсоннинг келажақ ҳаёти, соғлом муҳитда яшаш ҳуқуқи демакдир. Шу боис, уни асраш борасидаги ҳар бир амалий ҳаракат жамиятнинг барча қатламлари учун долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

**Сайёра АБДИКАРИМОВА,**  
**Олий Мажлис Сенатининг**  
**Аграр, сув ҳўжалиги масалалари**  
**ва экология қўмитаси раиси**  
**ўринбосари**

**“Биологик хилма-хиллик тўғрисида”ги Конвенция доирасида 2019-2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида биологик хилма-хилликни сақлаш стратегияси ижроси таъминланмоқда. Амалга оширилган ишлар натижасида республикада муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар умумий майдони 6,4 млн гектарга етказилиб, мамлакат ҳудудининг 14,08 фоизини ташкил этмоқда.**

нот дунёси пайдо бўлади. Умуман олганда, эндиликда биологик хилма-хилликни асраш борасида амалга оширилаётган ишлар билан бир қаторда, келгусида бажарилиши лозим бўлган қатор вазифалар мавжуд.

Аввало, биологик хилма-хилликни ва экотизимларни сақлаш ҳамда улардан оқилона фойдаланиш манбалари маблағларининг мақсадли сарфланишига ҳамда

ташриф буюрувчи сайёҳлар оқимининг ортишига эришилади.

Шу билан бир қаторда, келгусида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида ҳудудларни кўкаламзорлаштириш, дарахтлар экиш ва парвариш қилиш, кўчатхоналар ташкил этиш, “яшил белбоғ”ларни барпо этиш борасидаги ишлар самарадорлигини ошириш юзасидан куйидагилар таклиф этилади:

Ҳар бир ҳудуднинг иқлими, ту-



## ЁШЛАР УЧУН МУҲИМ ҚАДАМ

Замонавий Ўзбекистоннинг меҳнат бозори тобора ўзгариб бораётган рақамли иқтисодиёт талаблари билан чамбарчас боғлиқ. Бугунги кунда, айниқса, рақамли технологиялар, автоматлаштирилган бошқарув тизими ва экологик жиҳатдан хавфсиз, барқарор ишлаб чиқариш йўналишларида юқори малакали, замонавий билимларга эга мутахассисларга эҳтиёж сезиларли даражада ортиб бормоқда.

Шу боис халқаро тажрибаларни ўрганиш ва уларни амалиётга жорий этиш бугунги куннинг долзарб масаласига айланган. Президентимизнинг Венгрияга ташрифи ҳам айна шу эҳтиёж ва стратегик заруратдан келиб чиққан ҳолда амалга оширилди. Ташриф давомида икки мамлакат ўртасида тажриба алмашинуви, замонавий касб-хунар йўналишлари бўйича ўқув дастурлари яратиш, кадрлар тайёрлашда Европа андозаларини жорий этишга доир муҳим келишувларга эришилди. Бу эса келгусида Ўзбекистоннинг инновацион салоҳиятини оширишда мустақкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Президентимизнинг ташрифи иқтисодий ва илмий ҳамкорлик доирасидагина чекланиб қолмади. У халқни халқ билан, қалбларни бир-бирига яқинлаштирувчи муҳим восита — маданий-гуманитар соҳада ҳам янги истиқболларни очиб берди. Айниқса, ёшлар алмашинуви, қўшма маданий ташаббуслар, спорт мусобақалари ва санъат фестиваллари каби лойиҳалар халқаро дўстлик, маданий хотира ва ўзаро ҳурмат муҳитини мустақкамлашда катта аҳамият касб этади.

Келгусида Венгрия ва Ўзбекистон ёшлари иштирокида адабий кечалар, мусиқа ва кино фестиваллари, ижодий семинарлар ташкил этилиши режалаштирилмоқда. Бу каби маданий алмашинувлар нафақат ўзаро тушунишни чуқурлаштиради, балки ёш авлодни глобал дунёқарашли, толерант, очик

фикрловчи шахслар этиб шакллантиради. Шубҳасиз, бундай алоқалар халқаро миқёсда Ўзбекистон ёшларини жаҳон саҳнасига олиб чиқишдаги муҳим қадамлардан биридир.

Юртимизда олиб борилаётган ислохотларнинг марказида — ёшлар турибди. Президентимиз томонидан амалга оширилаётган ҳар бир ташаббус, ҳар бир ташриф — ёш авлод имкониятларини кенгайтириш, уларнинг ҳаётга тайёр, замон билан ҳамнафас бўлиб шаклланишига хизмат қилмоқда. Венгрияга амалга оширилган ушбу расмий ташриф эса, ёшларимиз учун илм, фан, таълим, маданият ва касб-хунар йўналишларида янги эшикларни очиб берди.

Бугун ҳар бир ўзбекистонлик йигит-қиз замонавий технологияларни ўзлаштириш, хорижий тилларни пухта билиш, янгича фикрлаш ва дунёқарашни ривожлантириш сари интилиши зарур. Бу ташрифнинг туб моҳияти — айнан шу йўналишда ёшларимизга қудратли туртки беришдир.

Шуни унутмаслигимиз керакки, эртанги Ўзбекистон — бугунги билимли, ватанпарвар ва фаол ёшларнинг қўлида. Президентимиз очиб берган ҳар бир имконият, яратилган ҳар бир шароитни тўғри англаб, ундан оқилона фойдаланиш — ҳар биримизнинг энг улугъ вазифамиз бўлмоғи лозим.

**Акбархон СОБИРХОНОВ,**  
**Ёшлар академияси раҳбари,**  
**Халқ депутатлари Тошкент шаҳар**  
**кенгаши депутати**

## ТАЪТИЛ МАРОҚЛИ ЎТАДИ

Миронқул тоғи этагидаги Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси тизимида қарашли Самарқанд болалар соғломлаштириш оромгоҳида мавсумга тайёргарлик ишлари ҳар қачонгидан ҳам намунали ташкил этилди. Сўнгги икки йилда соғломлаштириш оромгоҳининг самарали фаолияти йўлга қўйилиб, қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

Худуди икки ярим гектардан иборат оромгоҳнинг ҳар бир манзараси киши дилини яйратади. 500 тупдан ортиқ турли мевали ва манзарали дарахтлар меҳр билан парваришланган.

– Ёз фаслини болажонлардан-да яхши кўрадиган, зўр хурсандчилик билан кутадиганлар бўлмаса керак, – дейди оромгоҳ раҳбари Фарид Хуррамов. – Бу йилги мавсумда тўрт даврада 400 нафар болажонларни соғломлаштиришни режалаштирганмиз. Мавсум давомида оромгоҳда турли маданий-маърифий тадбирлар, адабий кечалар, спорт мусобақалари ўтказилади. Музейлар, истироҳат боғлари, спорт масканларига саёҳатлар уюштирилади. Шунингдек, танловлар ва спорт марафонлари дастури ҳам тайёрланган. Ашула айтиш, расм чизиш, рақс, тўқиш, дизайн, волейбол, баскетбол, стол тенниси каби турли-туман тўғарақлар фаолият олиб боради. Ёш томошабинлар ва кўғирчоқ театрлари ижодий жамоалари, ёзувчи ва шоирлар билан учрашувлар ташкил этилади. Аҳамиятли жиҳати шундаки, табиат бағрида, ўқитувчи ва ўқувчи орасидаги дўстона муносабатларга асосланган дарслар, учрашувлар болада албатта, катта таассурот қолдиради.

Тарбиячилар, мутахассислар ҳамкорлигида табиат қўйнида уюштирилладиган саёҳатлар давомида юртимизнинг бой наботот ва ҳайвонот дунёси ҳақида тушунчалар берилди. Оромгоҳда тўртта бино мавжуд бўлиб, чиройли ва сифатли таъмирдан чиқарилган. Чойшаблар, идиш-товуқлар янгиланган. Маънавият хонасида бадиий ва шеърый адабиётлар жамланган. Сув ҳавзаси шай ҳолатга келтирилган. Бир сўз билан айтганда, оромгоҳ мавсумга шай, эрта-индин ўз эшикларини болажонларнинг мароқли ҳордиқ чиқаришга чорлайди.

**Ориф ХОЛИҚУЛОВ,**  
**журналист**

## Борлиқнинг ажабтовур қонунияти

Инсон қадим-қадим замонларданок сайроки кушларни хонакилаштирганини биламиз. Бугун бедана, булбул, каклик, канарейка сингари ўнлаб парранда турлари бизга эстетик завқ ато этади.

Лекин, негадир инсоният сайроки ҳашаротларни қўлга ўргатишга эътибор бермаган. Ваҳоланки, улар орасида овози ширалилари оз эмас. Бунга қора чигиртка билан жизиллоқ (цикада)ни мисол қилиб олиш ўринли бўлар эди. Бу жониворларнинг дилкаш кўшиғидан дилим завқ-шавққа тўлган дақиқалар кўп бўлган. Қора чигиртка кўпроқ шом маҳали хониш қилади. Унинг бетакрор кўшиғини шаҳарларда ҳам тинглаб қолиш мумкин. Чириллаб кўшиқ айтиши сизга гоҳида чанг, гоҳида флейта оҳанларини эслатиб қолади. Жизиллоқ (уни са-

ратон, ҳам дейишади) бир маромда гижжак чалаётган санъаткорни ёдга солади.

Мен бир маҳаллар қора чигиртка билан жизиллоқни кутичага солиб, олиб юрганман, аммо улар тутқунликда хониш қилишмаганди.

\*\*\*

Сиз уни бармоқларингиз орасига авайлаб олинг-у, ўзгача нигоҳ билан синчиклаб назар ташланг. Шунда, табиат чигиртка деган маҳлукни зўр дид ва ҳафсала билан бунёд этганига ишонч ҳосил қиламиз. Унинг кейинги чайир ва кучли оёқлари отникига жуда ҳам ўхшаб кетади, кўзлари бургутникидай ўткир, ўмровлари кенг.

Бу жонивор вазиятга қараб юради, сакрайди, учади. Агар инсон ўз гавдасига нисбатан чигирткадай сакраганида эди, тўққиз қаватли уй-

нинг устидан ҳам ҳаққалаб кетган бўларди.

Биламан, сиз унинг зарари ҳақида кўп эшитгансиз, аммо табиат учун «зарарли» ёки «фойдали» фарзанд йўқ. Шу сабабли бу гал жониворни ўтлоқ орасига беозоргина қўйиб юборинг – ризқини топиб есин.

\*\*\*

Жониворларнинг ўз фарзандига бўлган худудсиз меҳр-садоқатини бир неча бор кузатиб, уларнинг фидойилиги, жасоратидан хайратга тушганман.

Маълумки, калхат паррандалар билан озикланади, ўрни келса, товукқа ҳам ташланади. Аммо, бир бор товук калхатга ҳужум қилиб, уни даф этганига гувоҳ бўлганман. Ўшанда калхат унинг жўжаларига ташланган эди – товук эса ўзидан бир неча хисса кучли рақибга ху-

жум қилиб қолди. Буни кутмаган йирткич орқага чекинди.

Заҳ ва ташландиқ ертўлада кўршапалакнинг ҳали темирқанот бўлиб улгурмаган полапонларига кўзим тушди. Она кўршапалак мени кўриб безовталанди, сўнг мўъжиза рўй берди: у болалари қаршисига келиб хавотируна вижирлади ва полапонларини елкасига миндириб олди. Сўнг опичлаганича ертўлани тарк этди.

Табиат, ҳатто ҳашаротларни ҳам ана шундай садоқатдан маҳрум этмаган. Чумолининг инини сув босганида, улар, энг аввало, тарикча келадиган тухумларини олиб қочганини бир неча бор кузатган бўлсангиз керак.

Зурриёд учун кураш ҳам табиат қонунларидан биридир.

**Нусрат РАҲМАТ**



# ФИДОЙИЛИК ВА ИБРАТ МАКТАБИ

(Боши 1-саҳифада)

Бу эса уни ёшлигиданёқ катта орзулар сари етаклади — аввал Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида, кейин эса Тошкент Олий партия мактабида таҳсил олди.

Ҳаёт йўлини оддий ишчи сифатида бошлаган бўлса-да, пок виждон, сидқидиллик ҳамда меҳнатсеварлик уни раҳбарлик каби масъулиятли лавозимларга олиб чиқди. Қишлоқ хўжалиги, партия ва маъмурий бошқарув тизимидаги кўп йиллик фаолияти мобайнида у кўплаб эзгу ишларни амалга оширди.

Ҳозирги кунда у фаол нуронийлардан бири сифатида ўз ҳаёт тажрибаси, маънавий кўмаги билан ёшларга устоз ва суянч бўлиб келаётир.

Дарвоқе, мутолаа — унинг жону дили, конига сингган. Шахмат унга фикр тезлиги ҳамда ақл чархини оширувчи дўст бўлса, шеърят эса қалбадаги туйғулар элчиси. Вақт-вақти билан шеърлар ёзиб, кўнгил кечинмаларни қоғозга тўкиб туришга одатланган. Бу ҳам унинг юксак тафаккур ва билим соҳиби эканидан далолатдир.

Унинг табиатга бўлган меҳри ҳам алоҳида. Янги боғлар барпо этиш, кўчат экиш, ерга меҳр кўйиш борасида ҳам ёшларга ҳақиқий ибрат мактаби, десак, муболаға эмас. Ёш ўғил-қизларни она табиатни севишга ўргатиш билан бирга, уларни “яшил” келажак сари чорлашдан ҳеч чарчамайди.

Шу ўринда унинг меҳнат фаолияти ҳақида қисқача тўхталиб ўтсак. Саидвали Раҳмонов кўп йиллар давомида қишлоқ хўжалиги ва давлат бошқарувининг турли масъулиятли лавозимларида фаолият олиб бориб, мамлакатимиз тараққиётига улкан ҳисса қўшди.

У 1968 — 1974 йилларда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислик институтида таҳсил олиш давомида замонавий агротехник илмлар, муҳандислик жараёнлари ва ишлаб чиқаришни бошқариш бўйича мукамал билимларга эга бўлди. Институтни муваффақиятли тугатгандан сўнг, у ўз фаолиятини тўғридан-тўғри амалиёт билан боғлади. Дастлаб, яъни 1974 — 1975 йилларда Пайариқ туманидаги “Москва” колхозидида муҳандис сифатида фаолият олиб борди. Бу ерда у қишлоқ хўжалигида техникдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, техник таъмирлаш ва соҳа ходимлари ўргасида ташкилотчилик ишларига бош-қош бўлди. У ўзини қисқа



вақт ичида билими ва фаоллиги билан масъулиятли мутахассис сифатида намоён қилди.

Фаолияти янги лавозимлар ва масъулиятли вазифаларга уланиб бораверди. 1975 — 1978 йилларда “Ўзсельхозтехника” корхонасида муҳандис бўлиб ишлади. Бу ерда у қишлоқ хўжалик техникаларини етказиб бериш, таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш ишларига масъул бўлди. Унинг ташаббуси билан техник ҳолатни яхшилаш ҳамда замонавий ускуналарни жорий этиш борасида бир қатор лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилди.

Кейинроқ эса Пайариқ тумани комсомол кўмитасида бўлим мудири сифатида ёшлар сиёсати, маданий тадбирларга етакчилик ҳам қилди. Қарийб ўн йил давомида Пайариқ туман партия кўмитасида инструктор ва бўлим мудири сифа-

**Кўп қиррали ходим сифатида у 2002 — 2007 йилларда «Ж.Жамшид» маҳалла фуқаролар йиғини котиби сифатида фаолият кўрсатиб, маҳалла тизимини мустаҳкамлаш, фуқароларни бирлаштириш ва жамоавий муаммоларни ҳал этишда ўз ҳиссасини қўшди.**

**Юқорида Саидвали акани ёшларга берган таълим-тарбияси ҳақида бежиз тўхталмадик. У 2007 — 2010 йилларда Самарқанд давлат лицейида тарбиячи сифатида ёшларни маънавий-ахлоқий, меҳнатсевар ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ўзининг бой тажрибасини бўлишгани ана шу фикрларимиз тасдиғидир.**

тида ишлаб, партия иши ҳамда маъмурий бошқарувда тажриба орттирди. Унинг раҳбарлигида партия ташкилотлари ва жамоат ишлари фаол олиб борилди. 1989 — 1991 йилларда Саидвали Раҳмонов Пайариқ туман партия кўмитасининг иккинчи котиби сифатида меҳнат қилди. Ушбу даврда у сиёсий, иқтисодий ислохотлар ҳамда жамоатчилик билан ишлашда катта масъулиятни ўз зиммасига олган эди ва бунга аъло даражада уддалади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг, яъни 1991 — 1995 йилларда туман қишлоқ хўжалиги бирлашмаси раиси сифатида фаолият юритади. Туманда фермер

хўжаликларини қўллаб-қувватлаш, ердан самарали фойдаланиш ва янги аграр ислохотларни амалиётга жорий этиш ишларида ҳақиқий маънода жонбозлик кўрсатди.

Бундан кейин эса у Самарқанд вилоятидаги «Агромашсервис» бирлашмасида раис ўринбосари бўлиб ишлади. Бу ташкилотда у қишлоқ хўжалиги техникалари билан боғлиқ хизматларни мукамал ташкил этиш, хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ҳамда ишлаб чиқаришда инновацион ёндашувларни жорий этишга ҳаракат қилди. Ҳаракатлар зое кетмади. Унинг бошчилигида соҳага янги ғоялар ва ишланмалар татбиқ этилди.

1998 — 2002 йиллардаги Пайариқ туман МТИ директори ва туман

ҳокимининг биринчи ўринбосари сифатида фаолияти ҳам самарали кечди. Ушбу лавозимда у туманда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, йўл-транспорт инфратузилмасини яхшилаш, мактаб ҳамда соғлиқни сақлаш муассасаларини қўллаб-қувватлаш ишларига масъул бўлди.

Қаҳрамонимизга маҳалла фаолияти ҳам бегона эмас. Кўп қиррали ходим сифатида у 2002 — 2007 йилларда «Ж.Жамшид» маҳалла фуқаролар йиғини котиби сифатида фаолият кўрсатиб, маҳалла тизимини мустаҳкамлаш, фуқароларни бирлаштириш ва жамоавий муаммоларни ҳал этишда ўз ҳиссасини қўшди.

Саидвали Раҳмонов

## АЖДОДЛАР ЙЎЛИ БАРҲАЁТ

Юқорида Саидвали акани ёшларга берган таълим-тарбияси ҳақида бежиз тўхталмадик. У 2007 — 2010 йилларда Самарқанд давлат лицейида тарбиячи сифатида ёшларни маънавий-ахлоқий, меҳнатсевар ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ўзининг бой тажрибасини бўлишгани ана шу фикрларимиз тасдиғидир.

Кўп йиллик ва кўп қиррали самарали меҳнат бугун ўз самараларини бермоқда. Қаҳрамонимиз қаерда фаолият олиб бормасин, унинг энг олий мақсади халқимиз ҳамда юртимизга фидокорона хизмат қилиш эди. Шу боис у бутун маҳаллада, элда ҳурмат топиб, эътиборга сазовор бўлди.

Дарвоқе, қаҳрамонимиз икки ўғил ва бир қизни олий маълумотли қилиб камолга етказди. Олти невараси бобоси изидан боришни қатъий аҳд қилган. Айни пайтда Саидвали ака нафақада. Фарзандлари, шогирдлари ҳамда набиралари ардоғида яшашдек улкан бахтга эришган қаҳрамонимизнинг олийжаноб ишларини бугун фарзандлари, шогирдлари давом эттирмоқда.

Шуни ҳам таъкидлаш жоиз, нуроний ёшда ҳам навқирон ҳамда теран идрокка эга Саидвали Раҳмонов ўзининг билим ҳамда тажрибасини ёшлар, шогирдлари билан баҳам кўриб келмоқда. Бундай бахт устозга янада куч-қувват бераётир.

Қаҳрамонимиз босиб ўтган самарали ҳаёт ва меҳнат йўли барчага, айниқса, ёшлар учун чин маънода ибрат мактаби, десак, айни ҳақиқат.

**Ақром ҲОШИМОВ,**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Халқаро ахборотлаштириш академияси ҳамда Нью-Йорк (АҚШ) фанлар академияси академиги, «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари Бош муҳаррири ўринбосари.



# Шотландия:

## ЭРКСЕВАР ХАЛҚ, ШОНЛИ ТАРИХ ВА МУСАФФО БОРЛИҚ

Европанинг турли мамлакатларида бир-бирига ўхшаш жиҳатларни кўплаб учратиш мумкин. Роман ва Барокко услубида қурилган тарихий бинолар, тирбандликка қарамай тартиб билан ҳаракатланаётган машиналар, илтифотли ва бефарқ одамлар – булар деярли ҳар бир Европа давлатида учрайди. Аммо шундай ўлкалар ҳам борки, улар ўзгача муҳит, ўзига хос руҳ ва тарихий фалсафаси билан ажралиб туради. Шундай масканлардан бири – Шотландия.

Шотландия деганда нима кўз олдингизга келади? Аслзодалар хуш кўрадиган қимматбахо виски, юбка кийган эркаклар, ўзига хос мусиқа, олис тарих, бетакрор маданият... бу ўлка ўтмишда не-не машҳур инсонларни ўзига жалб этмаган дейсиз? Америкалик машҳур сиёсатчи Бенжамин Франклин “агар ҳаётимнинг сўнгги кунларини яшаётганимни олдиндан сезганимда, дарҳол Шотландияга жўнаган бўлардим” деган экан.

Дарҳақиқат, Шотландиянинг ўзига хос томонлари кўп. Бугунги кунда у алоҳида, мустақил мамлакат эмас. Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган қироллигининг таркибий қисми, мамлакатнинг тўрт муҳим субъектидан бири.

Голливуд киноусталари ишлаган “Шерлок” фильми ва унда машҳур актёр Мэл Гибсон яратган Уильям Уоллес образи ёдингиздир? Фильм тарихий воқеаларга асосланган. Унда ўз ҳаётини халқининг озодлиги учун бағишлаган қаҳрамон жасорати акс этган. Уоллес бутун умр Шотландия мустақиллиги учун курашди, ана шу муқаддас орзу йўлида жонини берди. Асрлар ўтсада, унинг номи нутилиб кетмади. Шотландияда Уильям Уоллес номи билан аталадиган қасрлар, кўчалар, майдонлар бор. Стерлинг, Эдинбург каби шаҳарларда унга ҳайкаллар ўрнатилган.

Шотландлар ўз мустақиллигини қўлга киритиш учун асрлар давомида кураш олиб борганига қарамай, ҳамон Британия таркибида қолмоқда. Ҳатто, 2021 йилда мамлакат парламенти мустақиллик учун референдум ўтказиш ҳақида қонун лойиҳасини маъқуллаган бўлсада, Британия Олий суди бу қонунни асоссиз, деб топди. Ҳарқалай, Британия бугун Шотландияга ўзининг мустамлакаси эмас, тенг ҳуқуқли субъекти сифатида қарайди. Шотландларга мамлакатнинг бошқа ҳудудлари аҳолисига қараганда кўпроқ ҳуқуқ ва имтиёзлар берилган. Шотландия фуқаролари мамлакатнинг исталган давлат олий таълим масканида имтиёзли таълим олиши, бепул тиббий хизматдан фойдаланиши мумкин. Коммунал тўловлар ҳам бошқа ҳудудларга нисбатан анча паст, маошлар эса юқори. Ким билсин, Британия ҳукумати шу йўл билан уларни “овутмоқчи” бўлар?

Бундан ташқари Шотландиянинг ўз қонун қоидалари, парламенти, вазирликлари, ҳатто ўз миллий валютаси бор. У инглиз фунт-стерлинги билан бир хил кийматда ва мамлакатнинг бутун субъектлари бўйлаб муомалага киритилган. Шотландия футболчилари Европа ва

Жаҳон кубокларида халқаро мусобақаларда алоҳида мамлакат вакиллари сифатида иштирок этадилар.

Шотландия мамлакат шимолида жойлашган бўлиб, унинг майдони 78 782 минг километр-квадрат. Мамлакат аҳолиси 5,7 миллион кишига яқин. Уларнинг асосий қисми инглиз, шотланд (скоттиш) ва кельт тилларида гаплашиди. Мамлакат пойтахти Эдинбург шаҳри бўлсада, аҳоли сонига кўра, Глазго олдинги ўринда туради. Лондондан Глазгога енгил машинада, поездда ҳам бир неча соатда етиб бориш мумкин. Аммо, самолёт ҳам арзон, ҳам қулай. Чипта нархи ўзимизнинг пулга чаксак, 350-400 минг сўм атрофида.

...Нихоят, Лондоннинг “Тэтвик” аэропортидан учган ҳаво кемаси бир ярим соатдан сўнг Глазго аэропортига қўнди. Бизга ҳамроҳлик қилган маҳаллий тадқиқотчилардан бирининг айтишича, Глазгода, умуман Шотландияда яшаш Лондондагидан анча қулай. Кўчаларда Лондаги тирбандликни кўрмайсиз. Ўрмон ва денгиз ҳавоси ҳар қандай инсонни ўзига тортади. Соқинлик ва романтикани ёқтирадиганлар учун Глазгонинг афзал томонлари кўп. Қолаверса, муҳожирлар ва хорижликлар анча камроқ учрайди.

Глазго яқинидаги Баррель парки Британиянинг энг хушманзара масканларидан бири. Бу ердаги гўзалликни сўз билан ифода қилиш қийин. Унинг тароватини англаш учун кўз билан кўриш, хиёбоннинг ям-яшил йўлакларни бўйлаб сайр қилиш, мусаффо ҳавосидан симириб, турфа гуллари ифоридан баҳра олиш керак. Қуюқ дарахтлар оралаб бораверасиз, бу манзара сизни бағамом мафтун этади, ўзингизни бошқа дунёга тушиб қолгандек ҳис этасиз. Атро-

фа одамлар, сайр қилувчилар кўп, аммо негадир шовкин, гавжумликни сезмайсиз.

Тарихий маълумотларга кўра, бу парк Шотландиянинг машҳур коллекционерларидан бири Уильям Баррелга (1861-1958) тегишли бўлган. Барреллар оиласи жуда катта бойлик ва шон-шухрат, айни пайтда Шарк ва Фарбга оид 7000дан зиёд санъат асарларини ўзида жамлаган йирик коллекция эгаси бўлишган. Уильям Баррель сўлим табиат қўйнида ўз касрини барпо этиб, унинг атрофида хушманзара боғ яратган. Ҳозир парк ҳудудида дунёнинг турли ҳудудларидан келтирилган дарахтлар ва гуллари учратасиз.

Боғ ҳудудида ёғоч ўриндиклар жуда кўп. Парк яратилган пайтда бу ерда исталган киши ўзининг яқин одамлари ёки ўз номига битилган ўриндиклар ўрнатиш ҳуқуқи берилган. Шу тариқа боғ ҳудудида бундай ўриндиклар кўпайиб кетган.

Уильям Баррелнинг оила аъзолари вафотидан сўнг парк ҳудудида унинг номи билан аталадиган музей барпо этишга, шахсий коллекцияни шу музейга кўчиришга қарор қилишади. Бу музей ташкил этилганидан қирқ йилдан ошган бўлсада, ундан турли замон ва маконга тегишли тарихий экспонатлар, тасвирий ва амалий санъат асарлари билан танишасиз. Бундан тўрт йилча аввал, Қиролича Елизаветанинг ташаббуси билан музейнинг янги биноси қурилади.

Ноанъанавий услубдаги музейнинг ёғоч шифти ўзимизнинг вассажуфтли хонадонларни ёдга солади. Балки, музей лойиҳасини яратишда чиндан ҳам ўзбек миллий меъморчилиги анъаналаридан фойдаланилгандир? Қолаверса, музейда Ўзбекистон тарихи ва маданиятига оид кўплаб осоритикалар, миниатюралар, кашталар ва бошқа экспонатларни кўриш мумкин.

Албатта, бир неча соатлик саёҳат таасуроти билан бутун Шотландияга мукамал баҳо бериб бўлмас. Аммо, ушбу сафар шахсан мен кўрган манзаралар тасаввуримдаги Шотландиядан бир мунча фарқ қилишини англаш имконини берди.

Рустам ЖАББОРОВ



Муассислар:

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси

Савдо-саноат палатаси

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси

Таҳрир хайъати:

Азиз АБДУҲАКИМОВ  
Қаҳрамон ҚУРАНБОЕВ  
Акмал САИДОВ  
Ақтам ҲАЙИТОВ  
Қамолддин ИШАНХОДЖАЕВ  
Даврон ВАҲОБОВ  
Отабек ҲУСАНОВ

Бош муҳаррир  
Мақсуд  
ЖОНИХОНОВ

“Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.  
Манзил:

Буюк Турон кўчаси 41.  
Буюртма рақами Г-510  
Адади: 1600

Пайшанба куни чиқади.  
Қоғоз бичими А-3,  
ҳажми 2 босма табок.  
Баҳоси келишилган нарҳда.

2024 йил 2 августда  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти ҳузуридаги  
Ахборот ва оммавий  
коммуникациялар агентлиги  
томонидан 0010-рақам билан  
рўйхатдан ўтказилган.  
ISSN 2010-7722

Боғлиқ учун  
телефонлар:  
99-994-70-52  
98-111-48-29

Электрон почта:  
jamiyat@umail.uz  
Газета индекси – 131  
“ЖАМИЯТ” дан олинган  
маълумотларда манба  
сифатида газета номи  
кўрсатилиши шарт.  
Топширилган вақти: 20:00  
1 2 3 4 5 6



# МАРД ЎҒЛОНЛАР НОМИ БАРҲАЁТ

Элёр Усмонов 1981 йилда Каттакўрғон туманида туғилган. 2002-2008 йилларда ички ишлар органларида хизмат қилган. 2008 йилда Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси хузуридаги кўриқлаш бошқармасининг 1-алоҳида милиция батальони 2-отряди милиционери лавозимида хизмат вазифасини бажариш чоғида жиноятчи томонидан етказилган жароҳат сабабли вафот этган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 27 августдаги Фармониغا биноан вафотидан сўнг “Жасорат” медали билан мукофотланган.

манидаги ҳарбий қисмда ўтади. Бугунги кунда ҳарбий хизматга бориш иштиёқи барча йигитларда ҳам бирдек мавжуд деб айтолмаймиз. Аммо Элёр шундай тенгдошларидан фарқли ўлароқ, ўзидаги шижоат, дадиллик ва жасорат хислатларини намоён этиб, ҳарбий хизматда ҳам қисқа муддатда раҳбарият ва хизматдошларининг меҳрини қозонди. Чегара кўшинлари сафида хизмат қилган қаҳрамонимиз ўз хизмати давомида мактов ёрликлар ва ташаккурномаларга сазовор бўлиши билан бирга, келажакда ички ишлар органларида хизмат қилишга муносиб эканлиги ҳақидаги тавсияномага ҳам лойиқ топилди.

Элёрим бошқача эди. У билан гаплашиб тўймасдим. Ўша йиллари мен оғир дардга чалингандим. Тошкентда ишлашига қарамасдан кунда-кунора дори дармонимни кўтарганича ҳол сўраб кетар, унинг меҳри бўлакча эди. Болам шунча йўлдан овора бўлиб, келиб-кетиш сенга зарурми, укаларинг бор, ҳаммаси яхши, кўп уринмагин, дейишимизга қарамай, одатини қанда қилмасди, — дейди Элёрнинг отаси Очил бобо.

Ҳа, турмушнинг мушти оғир ва залворли. Яратган бандаларини турли синовлари билан синайди. Бугун Очил ака ва

Маърифат ая фарзандларининг барчаларини уйли-жойли қилиб, бир этак бахтиёр неваралар оғушида умргузаронлик қилишмоқда. Аммо “ўнта бўлса, ўрни бошқа” деганларидек, Элёржоннинг ўрнини ким ҳам тўлдирарларди?

Машойхларимиз: “Ким нимага эргашса, фақат одоб билан эргашади. Ким нима билан қулса, фақат беододлик билан қулайди”, деганлар. Яхши одоб аслида нафснинг камолотга етгани, унинг интизомлилиги, жиловланганлиги ва яхшиликда эканлигининг аломатидир. Фазилат наслу насаб билан эмас, балки одоб билан топилади.

Президентимиз ташаббуси билан Элёржон Усмонов каби фидойи ватандошларимиз фаолиятларига бағишлаб китоб чиқарилганлиги жуда қувонарли ва катта аҳамиятлидир. Бундай хотира китобларининг аҳамиятини мен Очил ака хонадонига борганимда яна бир бора ҳис қилдим. Оила аъзолари айниқса, ота китобдаги фарзандининг расмига қараб, унинг тагидаги ёзувларни ўқиб, гўёки дилбанди билан гаплашаётгандек эди назаримда.

**Қаюм СОБИРОВ,**  
Ўзбекистон Ёзувчилар  
уюшмаси аъзоси



Очилбой ака билан Маърифат опа Каттакўрғон туманининг Шўрак қишлоғидаги оддий ўзбек хонадони соҳиблари. Улар яхши ниятлар билан турмуш қуришди. Яратган бу фазилатли оилани тўрт нафар ўғил ва бир қиз билан сийлади. Тўнғичлари Элёржон болалигидан тиришқоқлиги ва кўзлаган мақсадларига эришишдаги фаоллиги билан тенгқўрлари орасида ажралиб турарди. Ай-

ниқса, унинг хулқ-одоби ўқитувчиларини ҳам, маҳалла аҳлини ҳам бирдек мамнун этар, бундан ота-она хурсанд бўлишарди.

“Куш уясида кўрганини қилди” дейди доно халқимиз. Ота-онанинг машаққатли меҳнатлари ва тарбиялари билан ҳалол ризқланиб, яхши тарбия топган Элёржон ўрта мактабни битириб, Ватан ҳимоясига отланди. У ўзининг йигитлик бурчини Тошкент вилоятининг Бўстонлик ту-

## Унутмас мени боғим

Ичан қалъа давлат музей-қўриқхонаси ҳудудидаги тарихий-меъморий ёдгорлик — Қози Калон мадрасасида “Хоразм мусиқа тарихи” бўлими жойлашган бўлиб, бу ерга ташриф буюрган сайёҳлар воҳа санъати тарихи, машҳур хонанда ва созандалар ҳаёти ҳамда фаолиятига оид нодир осориатикалар, маълумотлар билан яқиндан танишиш имкониятига эга.

Яқинда Ўзбекистон, Туркменистон, Қорақалпоғистон ва Татаристон халқ артисти Отажон Худойшукуров ҳаёти ва ижодига бағишланган доимий кўрғазма ташкил этилди. Унинг очилиш маро-

симида Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасининг Тўрткўл, Эллиқалъа ҳамда бошқа туманлардан маданият соҳаси меҳнат фахрийлари, хофизнинг дўстлари, шогирдлари, қа-



риндошлари, мухлислари, шунингдек, сайёҳлар иштирок этишди.

Тадбирда сўзга чиққанлар Отажон Худойшукуровнинг беназир иқтидори ва ўзбек санъатини дунёга танитишдаги улкан хизматлари, ибратли инсоний фазилавларини фахр ила тилга олдилар.

**Отабек ИСМОИЛОВ,**  
музей-қўриқхона матбуот котиби.